

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди:

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

№ БД - 5230100 - 3.04

2016 йил « 9 » ол

2016 йил « 22 » ол

ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ  
ФАН ДАСТУРИ

<b>Билим соҳаси:</b>	<b>200 000</b>	– Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
<b>Таълим соҳаси:</b>	<b>230 000</b>	– Иқтисод
<b>Таълим йўналиши:</b>	<b>5230100</b>	– Иқтисодиёт (макроиқтисодиёт)
	<b>5230100</b>	– Иқтисодиёт (иқтисодий назария)
	<b>5230100</b>	– Иқтисодиёт (инфратузилма)
	<b>5231400</b>	– Статистика (иқтисодиёт)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” 01 даги “26” – сонли буйруғининг 2 - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2016 йил “9” 01 даги “1” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

#### Тузувчилар:

- Беркинов Б. - ТДИУ, “Макроиктисодиёт” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори;
- Суннатов М. - ТДИУ, “Макроиктисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси.

#### Такризчилар:

- Хамрахуджасв Н. - Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат мулки қўмитаси қошидаги Тадкicotлар маркази бўлим мудири, иқтисод фанлари номзоди;
- Абулқосимов Х. - Ўзбекистон Миллий университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори
- Асқарова М. - ТДИУ, “Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Фан дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тасвир қилинган (201 5 йил “30” 11 даги “4” - сонли баённома).

## **Кириш**

Институционал иктисодиёт – бу иктисодий назария ва ҳўжалик амалиётини институционал ўзгаришларнинг ўзаро боғлиқлигида ўрганувчи замонавий иктисодий фикрларнинг илмий йўналишларидан биридир. Ушбу йўналиш Ғарб мамлакатлари иктисодиёти ривожланиши, талаб ва таклиф қонуналарининг ишлаши, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳулқ-атвори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият кўрсатиши, иктисодий ўсиш ва шу каби бошқа бир қатор жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишда кенг тадбик этиб келинмоқда.

Бугунги кунда иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иктисодиётни модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда. Шуларни ҳисобга олганда жамиятда рўй берадиган иктисодий қонунларни билиш ва уларнинг амал қилишига онгли муносабатда бўлишда, мамлакатни демократлаштириш ва иктисодиётни бозор тамойиллари асосида ислох қилиш жараёнлари моҳиятини тушуниш учун зарур бўлган билимларни беришда “Институционал иктисодиёт” фанининг роли бекиёсдир.

Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иктисодиётни билиш ва уни ривожлантириш қонуниятларини белгилашнинг самарали воситаси зарур. Ана шундай восита бўлиб интитуционал иктисодиёт назарияси ҳисобланади.

Ваганимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш юзасидан белгилаб берган мамлакатни модернизация қилиш, кичик тадбиркорликни фаол ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини юксалтириш йўналишларини изчил амалда ижросини таъминлаш масалаларини ҳал этишда “Институционал иктисодиёт” фанининг назарий ва амалий воситалари алоҳида ўрин тутлади.

## **Фаннинг мақсад ва вазифалари**

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларда институционал иктисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг ҳам назарий, ҳам амалий томонларини, иктисодиёт субъектлари фаолиятини ўрганиш усуллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари – талабаларга иктисодиётда институтлар тизими ривожланиши, мулк ҳуқуқлари, улар шакллари фаолиятига таъсир қилувчи омилларни, давлат ва уй ҳўжалиги каби институтларни, институционал ислохотларни таҳлил қилиш асосида ҳулосалар чиқаришни ўргатишдан иборат.

## **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

“Институционал иктисодиёт” фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр:

- институтлар тушунчаси;
- институционализм моҳияти ва тамойиллари;
- институтлар ва уларнинг иктисодиётдаги роли;

- режали ва бозор иқтисодиёт институтлари асосий конунлари;
- трансакциялар ва трансакцион харажатлари аҳамияти;
- институционал ислохотлар мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари;
- шартнома(контракт) тушунчаси ва унинг асосий шартлари;
- бозор, фирма ва хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари *ҳақида тасаввурга эга бўлиши*;
- институционал назариянинг пайдо бўлиши ва унинг концепцияларини;
- институтлар тизими ва ўйинлар назариясини;
- мулк ҳуқуқларини таснифлаши белгиларини;
- хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиш сабабларини;
- мақсадлари ва амал қилиш соҳалари, оқибатларини;
- институтлар фаолиятининг расмий ва норасмий қондаларини;
- институционал ислохотлар босқичларини;
- корпоратив тизимларини ва улар гуруҳларининг ўзига хос хусусилари, устуңликларини;
- хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- иқтисодиётда жорий этилган институтлар тизими;
- улар фаолиятининг расмий ва норасмий меъёрларини таққослаш;
- трансакция харажатларини классификациялаш ва улар кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- шартнома(контракт) таркиби ва уларнинг асосий кўрсаткичларни баҳолаш ва ташкилий тузилмаларни таҳлил қилиш;
- давлат ва фирма фаолиятининг расмий ва норасмий меъёрларини шакллантириш бўйича *қўникмаларига эга бўлиши керак*.

### **Фаннинг ўқув режасидаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги**

“Институционал иқтисодиёт” фани танлов фанлар мажмуасига тааллуқли бўлиб, талабалар уни V-семестрда ўрганишади.

Бу дастурни амалда бажариш учун талабалар иқтисодиёт назариясидан етарлича маълумотларга эга бўлишлари лозим.

“Институционал иқтисодиёт” фани “Макроиктисодиёт”, “Минтақавий иқтисодиёт”, “Микроиктисодиёт”, “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш”, “Статистика”, “Эҳтимоллар назарияси”, “Қорхона иқтисодиёти” ва бошқа фанларини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Институционал ислохотларни таҳлил қилиш аввало, миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни комплекс равишда ҳал этишни тизимли механизмини шакллантириш услубларини, қолаверса, қабул қилинаётган номаларни (ҳуқуқий асослар) бозорда вужудга келадиган ўзгаришларга тезда мослаштириш, истеъмолчиларга табақали ёндашиш,

рақобатбардош иқтисодийни яратишда халқаро нормаларга амал қилиш асосида бозор ислохотларини амалга ошириш ва ўрганиш ҳамда башорат қилиш имконини беради.

Шу сабабли ҳам институционал иқтисодий фани давлат ва нодавлат институтлари томонидан институционал сиёсатни амалга ошириш, иқтисодийни тартибга солиш учун илмий-назарий асос бўлиб ҳисобланади.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талабаларнинг “Институционал иқтисодий” фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ва макетлардан фойдаланилади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**

#### **“Институционал иқтисодий” фанининг предмети, мазмуни ва таъминоти**

Институционал ислохотлар ва институционал ўзгаришлар тушунчаси. Институционал сиёсат ва институционал инфратузилма фаолитининг асосий йўналишлари. Институционал назариянинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Институционализмнинг методологик асослари. «Эски» ва «Янги» институционализм. Неоинституционализмнинг асосий йўналишлари. Д.Норт, Т.Веблен ва Ж.Коммонсларнинг институционал концепциялари.

#### **Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли**

“Институт” ва “норма” тушунчалари. Норма хиллари. Расмий ва норасмий нормалар. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланишида Т.Веблен ва Ф.Хайекнинг қарашлари. Институционал матрица. Қелишувлар нисбатининг вариантлари. Бозор иштирокчиларининг ўзаро қелишувлар бўйича хатти-ҳаракатлари нормаси. Институционал ўзгаришлар ва институтлар ривожланиши.

#### **Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликни моделлаштириш**

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Устувор стратегиялар. Нэшу, Штакелберг ва Парето бўйича мувозанат турлари. Ўзаро ҳаракатлар моделлари классификацияси. Такрорланувчи ўйинлар ва уларнинг моҳияти, моделлари.

## **Режа институти ва бозор институти**

Режа институти ва унинг асосий қонуни (конституцияси). Режали иқтисодий фаолият кўрсатиши ва унинг меъёрлари. Бозор конституцияси. Оддий ва мураккаб утилитаризм тушунчалари. Ахборотлар ассиметрияси ва уни бозор шароитида намоён бўлиши. Сотувчи билан харидор ўртасидаги ишонч ва эркинлик категориялари. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш.

## **Трансакциялар ва трансакцион харажатларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар**

Трансакциялар тушунчаси ва унинг аҳамияти. Коуза теоремаси. Трансакцион харажатлар таркиби, келиб чиқиш шартлари ва аҳамияти. Трансакция харажатларини таҳлил қилишга ёндашувлар ва уларни камайтириш воситалари. Трансакцион харажатлар классификацияси ва улар кўрсаткичларини ҳисоблаш йўллари. Ўзбекистонда трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси.

## **Хуфёна иқтисодий**

Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳалари. Хуфёна иқтисодий хиллари. Хуфёна иқтисодий қўламини баҳолашга ёндашувлар ва уларнинг кўрсаткичлари. Хуфёна фаолият олиб бориш учун қилинадиган харажатлар ва уларнинг тулари. Хуфёна иқтисодий бозори ва унинг фаолият юритишининг оқибатлари. Жаҳонда хуфёна иқтисодий.

## **Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси**

Мулкчилик тушунчасига берилган таърифларга ёндашувлар таҳлили. Мулкчилик шаклларида таснифланиш белгилари. Мулкчилик институти ривожланишининг Европа ва Осиё мамлакатларида таркиб топган йўллари. Мулкчилик муносабатларида мулкка эгалик қилиш ролини ўзгариши. Мулк шаклларида ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари. Мулк ҳуқуқлари назарияси ва унинг асосий қондалари. Оноре рўйхати. Мулкчилик таърифи ва шакллари. Мулкчилик муносабатларини амалга ошириш шакллари. Мулк ҳуқуқлари. Ўзбекистон қонунчилигида мулк шакллари, мулк ҳуқуқлари ва улар тақсимоли таҳлили.

## **Мамлакатни модернизация қилиш шароитида институционал ислохотлар**

Мамлакатни модернизация қилиш концепцияси. Модернизация қилишнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари. Институционал ўзгаришлар ва иқтисодийётда таркибий ўзгаришлар. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва уни хусусийлаштириш. Бозор ислохотларини ва иқтисодийётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш ва янги аграр муносабатларни такомиллаштириш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши.

### **Шартномалар назарияси**

Шартнома тушунчаси ва уни бозор иқтисодийётдаги роли. Ёллаш шартномаси. Сотиш шартномаси. Шартномалар таркиби ва уларнинг асосий шартлари. «Принципиал» ва «агент» тушунчаси. Ташкилот тушунчаси. Шартнома доирасида «бююртмачи» ва «бажарувчи» муносабатлари ва улар ўртасидаги чегаралар. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари.

### **Фирма назарияси**

“Принципал” билан “агент” ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. “Принципал-агент” муаммоларини ҳал этиш вариантлари. Фирманинг ички тузилмаси. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси ва фирмаларнинг асосий хиллари. Фирма ва унинг турлари. Фирманинг ички тузилмаси. Замонавий корпорациялар ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг ўзига хос хусусиятлари. Корпорациялар устунликлари. Интеграциялашган корпоратив тузилмалар ва уларнинг гуруҳлари. Фирманинг фаолият йўналиши бўйича маркетинг стратегиясини танлаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида Ўзбекистонда шакланган корпоратив тузилмалар ва уларнинг ривожланиш истикболлари.

### **Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси**

Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш. Фирмаларни энг мақбул (бенуксон) хилларга бўлиш реал ташкилотлар тўғрисида тўлиқ тасаввур. Молиявий оқимлар тизими. Муайян ташкилот ҳолатини текшириш ва муайян амалий ташкилий муаммоларни ҳал этиш. Трансакция харажатларини ўлчашдаги қийинчиликлар муайян иқтисодий таҳлил учун асосий тўсиқлардан бири. Трансакция харажатларини ўлчаш.

## **Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиши**

Мулкий ҳуқуқларнинг тавсифланиши. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида. Коуз теоремасига мувофиқ эркин алмашув натижасида эришилган ҳуқуқлар тақсимоти. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ташкилот фаолиятининг ўзига хослигига қараб мулкдорлар ўртасида ҳуқуқлар тақсимоти. Ташкилий-ҳуқуқий шаклга хос бўлган ҳуқуқлар тақсимоти. Ўзбекистон Республикасида мулкий ҳуқуқларнинг тавсифланиши.

## **Давлат институционал ташкилот сифатида**

Давлатнинг функциялари. Давлатнинг институционал табиати. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. Давлатнинг “муваффақиятсизликлари”. Давлат ва давлат томонидан тартибга солиш табиатининг концептуал асослари. Давлатни тадқиқ этишни институционал назарияси. Давлатнинг иқтисодий асосини шакллантириш йўллари. Давлат жамиятда расмий қондаларнинг шаклланишида рол. Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви чегараси. Давлат томонидан тартибга солиш соҳалари.

## **Давлатлар хиллари**

Давлат ва “принципал-агент” муаммоси. “Шартномавий” давлат тушунчаси. “Эксплуататорлик» давлати тушунчаси. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари. Коррупция муаммоси. Давлатни фуқаролар билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома. “Принципал-агент” муаммосида фуқаро ва давлат функциялари.

## **Уй хўжалиги ва унинг хиллари**

Уй хўжалиги таърифи, унинг ўзига хос хусусиятлари. Уй хўжалигини инсон капиталини ривожлантириш функциялари. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлиги. Уй хўжалиги турли шаклдаги иқтисодиёт даврларида фаолият юритиши ва унинг функциялари. Деҳқон хўжаликлари - уй хўжалигининг таркибий қисми сифатида.

## **Ривожланишнинг институционал назарияси ва инновация турлари**

Ривожланиш назариясининг неоклассик варианты. Дж.М.Кейнснинг ривожланиш концепцияси ва иқтисодий динамиканинг неокейнсиан назарияси. Инновацияларни классларга ажратиш. Инновация иштирокчиларининг таққослама таҳлили. Институционал ва ташкилий инновациялар устунлиги.

## **Амалий машғулларнинг тахминий рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида институтлар таърифи, уларнинг ўзига хос жиҳатлари.
2. Институционализм тамойиллари ва уларни амал қилиш қонуниятлари.
3. Нормалар ва уларни институтлар фаолият юртишидаги роли. Қонуларда меъёрларни акс эттирилиши.
4. Такрорланувчи ўйинлар ва уларни моҳияти, моделлари.
5. Режали иктисодиёт конституциясини амал қилиши ва бозор иктисодиёти институтлари.
6. Трансакциялар ва трансакцион харажатларнинг таркиби ва улар классификацияси.
7. Мулкчилик тушунчаларига берилган таърифлар таҳлили ва таснифланиш белгилари.
8. Хуфёна фаолиятнинг амал қилиш соҳалари унинг қўламини баҳолашга ёндашувлар ва кўрсаткичлари.
9. Институтлар ривожланишининг расмий ва норасмий қодалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
10. Ўзбекистонда амалга оширилган институционал ислохотлар ва уларнинг босқичлари.
11. Шартномалар ва уларнинг турлари, амал қилиш шартлари.
12. Фирмалар типологияси. Фирманинг ички тузилмаси ва унинг асосий функциялари.
13. Корпоратив тузилмалар ва уларни интеграциялашга шакллари.
14. Ташкилий тузилмалар таҳлили, фирма баланси.
15. Давлатнинг ташкилот сифатида функциялари ва вазибалари.
16. Уй хўжаликлари ва уларнинг турлари, функциялари.
17. Ривожланишнинг институционал назариясининг тадбикий асослари, инновацион ривожланиш.

### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

### **Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режада режалаштирилмаган

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил таълимнинг асосий мақсади - ўқитувчининг раҳбарлиги ва назоратида муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантириш. Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, тақдимот) тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш;
- махсус адабиётлар бўйича фаннинг бўлим ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фаннинг бўлим ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- кейс-стадилар ва ўқув лойиҳаларини мустақил бажара олиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотларини ўзлаштириш;
- илмий мақола, тезислар, турли илмий анжуманларга маъруза тайёрлаш ва ҳ.к.

Мустақил таълимни ташкил этиш бўйича услубий кўрсатма ва тавсиялар, кейс-стади, вазиятлар масалалар тўплами ишлаб чиқилади. Унда талабаларга асосий маъруза мавзулари бўйича амалий топшириқ, кейс-стадилар ечиш услуби ва мустақил ишлаш учун вазифалар белгиланади.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари**

1. Меъёр ва институтларнинг ўзаро ҳаракати.
2. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳаракатларни моделлаштириш.
3. Режа ва бозор институтлари қонуниятлари.
4. Трансакциялар тушунчаси ва уларнинг аҳамияти.
5. Ташқи самаралар таърифи ва уларнинг классификацияси.
6. Мулкчилик институти ривожланишининг Европа ва Осиё мамлакатларида таркиб топган йўллари.
7. Хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиши сабаблари, мақсадлари ва амал қилиш соҳалари.
8. Институтлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.
9. Институционал ислохотларнинг бош мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари.
10. Шартнома тушунчаси ва уни бозор иқтисодиётдаги роли.
11. Бозор ва унинг ўзига хос томонлари.
12. Замонавий фирмалар ва уларнинг функциялари.
13. Корпоратив тузилмаларва улар ривожланиши истикболлари.
14. Ташкилий тузилмаларни таҳлил қилишнинг моҳияти ва вазифалари.
15. Давлатнинг ташкилот сифатида функциялари ва вазифалари.
16. Уй хўжалиги турлари ва унинг оила билан ўзаро боғлиқлиги.

### **Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илғор интерфаол усулларидан, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (тақдимот), мултимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий ҳужум, кластер, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, тақдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

## Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар

1. Беркинов Б.Б. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.
2. Беркинов Б.Б. ва бош. Трансакциялар ва тарнсакция харажатлари назарияси асослари: Рисола. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2013. - 80 б.
3. Беркинов Б.Б., Умаров И.Ю., Суннатов М.Н. Институционал иқтисодиёт: Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология”, 2014. – 250 б.
4. Беркинов Б.Б. Уй хўжалиги иқтисодиёти: Ўқув қўлланма. –Т.: “Фан ва технология”, 2014. -131 б.
5. Беркинов Б.б., Ахмедов У.Қ. Уй хўжаликлари ривожланиши ва оила даромадларини ошириш истиқболлари: Монография. –Т.: “Фан ва технология”, 2014. -142 б.

### Қўшимча адабиётлар

1. Агабекян Р.А., Баядурян Г.А. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн. пособие. – М.: Магистр, 2008. – 462 с.
2. Аузана А.А. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник. – М.: ИНФРА. – 2006. – 416с
3. Елисеев А.Н., Шульга И.Е. Институциональный анализ интеллектуальной собственности: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА – М, 2005. – 192 с.
4. Олейника А. Институциональная экономика: Учебник. – М.: ИНФРА – М, 2007. – 704 с.
5. Сухарев О.С. Институциональная экономика: теория и практика. Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008. – 863 с.

### Интернет сайтлари

1. [www.nalog.ru](http://www.nalog.ru)
2. [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz)
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
4. [www.bank.uz](http://www.bank.uz)
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)